

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА СУВНИ КАМ ТАЛАБ ҚИЛУВЧИ МЕВАЧИЛИК ВА НОАНЪАНАВИЙ ЭКИН ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Алланов Қилич Аллақулович

*Термиз давлат университети География кафедраси доценти,
география фанлари номзоди.*

e-mil: allanov52@mail.ru

<https://orcid.org/0000-0002-9394-8743>

Чориев Абдқайим Қодирович

Термиз давлат университети География кафедраси катта ўқитувчиси.

<https://orcid.org/0009-0005-4860-0106>

УДК 330.15

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилояти географик ўрни, иқлим исиши шароитида сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, томчилатиб суғориш усулида боғдорчилик ва субтропик мевачиликни ривожлантириш, ноанъанавий экин турлари бўлган зайтун, топинамбур, стивея каби ўсимликларни районлаштириш ҳамда етиштирилган меваларни қайта ишлаш ва уни ташқи бозорга чиқариш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар. Мевачилик, сув ресурслари, ноанъанавий экин турлари томчилатиб суғориш, боғдорчилик, субтропик мевачилик, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш, ташқи бозор.

Аннотация. В статье рассматриваются географическое положение Сурхандарьинской области, вопросы эффективного использования водных ресурсов в условиях потепления климата, развитие садоводства и субтропического плодового хозяйства с применением капельного орошения. Также освещаются вопросы районирования нетрадиционных сельскохозяйственных культур, таких как олива, топинамбур и стевия, а также переработки выращенной плодовой продукции и её вывода на внешние рынки.

Ключевые слова: Плодоводство, водные ресурсы, нетрадиционные сельскохозяйственные культуры, капельное орошение, садоводство, субтропическое пловодство, сельское хозяйство, переработка, внешний рынок.

Abstract. The article examines the geographical location of the Surkhandarya

region and issues related to the efficient use of water resources under climate warming conditions. It highlights the development of horticulture and subtropical fruit production using drip irrigation methods. The paper also discusses the regional adaptation of non-traditional crops such as olives, Jerusalem artichoke, and stevia, as well as the processing of cultivated fruits and their export to international markets.

Keywords: Fruit growing, water resources, non-traditional crops, drip irrigation, horticulture, subtropical fruit production, agriculture, processing, external market.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Арид иқлимли минтақада жойлашган Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг энг жанубий маъмурий ҳудудий бирлиги бўлиб, мамлакатимизда тутган жанубий географик ўрни, мураккаб кўринишли орографик хусусиятлари, қурғоқчил (экстремал) иқлимий шароити, сув ресурслари билан кам таъминланганлиги, аҳолиси ва унинг табиий ўсишининг республикамиздаги ўртача кўрсаткичдан юқори эканлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида обикор деҳқончиликнинг устунлиги ҳозирги иқлим исиши шароитида сув ресурсларидан унумли фойдаланишни ва қурғоқчиликка чидамли, сувни кам талаб қилувчи қишлоқ хўжалиги экинларини экишни долзарб масала қилиб қўйган.

Сурхондарё вилоятининг табиий –иқлим шароити турли хил мева маҳсулотларини етиштириш учун жуда қулай. Минтақада

машхур Сурхон мевалари, айниқса довруғи етти иқлимга машхур Шеробод анорлари, ширин-шакар шафтолилари, анжир, беҳи каби дарахтлари ҳақиқатдан ҳам сувни кам талаб қилиши ва иссиқ иқлимга чидамли экинлигини ҳисобга олиб ушбу тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш зарур[1].

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Иқлим исиши шароитида арид минтақада жойлашган Сурхондарё вилоятида боғдорчиликни янада ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги пайтда вилоятнинг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудидаги туманларда “тоифи” навли узум ва анор етиштириб, уни четга чиқариб сотиш яхши самара бермоқда. Таъкидлаш жоизки, бу соҳада етарлича фойдаланилмай ётган катта имкониятлар мавжуд. Бойсун туманида янги ўзлаштириш мумкин бўлган ерлардан 3700 гектар ҳудудни узумзор ва анорзорлар барпо этиш учун деҳқон хўжаликлари ва алоҳида ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига тендер асосида узоқ муддатли фойдаланишга бериш мумкин. Худди шундай имкониятлар Узун ва Сариосиё туманларида ҳам мавжуд. Бу эса вилоятда анор ва узум етиштириш ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш ва экспортини кўпайтириш имконини беради.[2]

Вилоятнинг тоғолди ва адирли ҳудудларида, хусусан Бойсун, Сариосиё, Узун туманларида терраса усулини қўллаб боғ қилиш – бу соҳада ҳозирда етарлича фойдаланилмаётган имкониятлардан ҳисобланади. Сув таъминоти нисбатан муаммоли бўлган ушбу ҳудудлардаги янги барпо этиладиган боғларда томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш мумкин.

Бойсун ва Олтинсой туманларида кўп миқдорда етиштириладиган узум ҳосилини экспорт қилиш билан бирга, уни қайта ишлаш имконияти ҳам мавжуд. Бойсун шаҳрида илгари фаолият кўрсатган вино заводи қувватлари фойдаланилмасдан ётибди. Бу ерда илгари ҳар йили 3000 тонна узумга дастлабки ишлов берилиб, сўнгра

қайта ишлаш учун Денов ароқ заводида топширилган. Эндиликда туман ҳудудида етиштирилаётган узум ҳосилининг бир қисмини мазкур корхонада қайта ишлашни йўлга қўйиш мумкин. [3]

Сариосиё, Узун, Термиз ва Шеробод туманларида боғдорчилик соҳасида аҳоли малакаси ва кўникмасини ҳисобга олиб, кам ҳосил берадиган анъанавий экин турлари ўрнида олма, нок, беҳи, анор анжир, ёнғоқ каби мевали боғларни томчилатиб суғориш усулида барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Минтақада етиштирилган мева маҳсулотлари хуштаъм, мазали ва экологик тоза бўлишига қарамасдан, қимматбаҳо маҳсулотнинг катта қисми қайта ишланмасдан қолмоқда. Ҳосилни йиғиб-териб олиш мавсумида сақлаш ва қадоқлаш имкониятининг чекланганлиги туфайли катта миқдордаги маҳсулот ички бозорга олиб чиқилмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра бозорда маҳсулотнинг ортиқчалиги, сақлаш ва қадоқлаш ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги туфайли етиштирилган маҳсулотнинг ¼ қисмидан кўпроғи нест-нобуд бўлади[6].

Юқори ҳосилдор боғларни барпо этиш учун маҳаллий шароитга мос бўлган навларни танлаб олиш зарур. Бунда навларнинг нафақат биологик хусусиятлари, шу билан бирга уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам ҳисобга олинishi лозим. Бунда айниқса паст бўйли мевали дарахтларни (масалан, палмет нави) жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Сурхондарё вилоятида субтропик экинларни ўстириш учун етарли бўлган ҳарорат йиғиндиси, тупроқ таркиби мавжуд. Бундай экинларни етиштириш бўйича минтақада тўпланган катта ижобий тажриба самара келтириши мумкин.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида сарфланадиган сув, умумий сувнинг 92 % ини ташкил қилади. Ҳозирги кунда асосий вазифа сув кам талаб қиладиган экинларни етиштириш ва сувни тежаш ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси маълумотларига кўра, яқин йилларда

юртимизда ҳавонинг исиши натижасида экинларнинг суғориш меъёри тахминан 10% га ошади. Республикада иқлим ўзгариши туфайли суғориладиган ерларда буғланиш 10-15% га ошади ёки шунча миқдордаги сувнинг беҳудага йўқолишига олиб келади. Чучук сувларнинг камайиб бориши суғориладиган майдонларнинг камайиши, шўрланиши ва тупроқ таназзулига олиб келади[4]. Субтропик ўсимликлар эса кўпгина бир йиллик ўсимликларга қараганда сувни кам талаб қилишини эътиборга олиб, уларни унумдорлиги паст, шўрланган Сурхондарё ҳудудида кўп учрайдиган қумоқ тупроқларда экиб ҳосил олиш мумкин. Ушбу экинларга писта, бодом, ёнғоқ, зайтун ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Бу ўсимликлар биологиясига кўра мутлақо тупроқ танламайди, ниҳоллар 5-6 йилдан кейин сувни жуда кам талаб қилади. Ушбу ўсимлик унумдорлиги паст, тошли майдонларда, шунингдек, тоғолди минтақалари ва адирларда ҳам экилиши мумкин. Ҳисоб- китоблар вилоятда мевали боғларни кўпайтиришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатмоқда. Агар субтропик мевалар экспорт қилинса, олинадиган фойда миқдори яна икки мартагача ошиши мумкин.

Субтропик зайтун ўсимлигини етиштириш орқали мамлакат аҳолисини экологик тоза, сифатли ўсимлик мойи билан таъминлашни яхшилаш мумкин. 2006 йилда Олтинсой туманидаги “Жовли” фермер хўжалигида биринчи марта зайтун дарахтлари мева ҳосил қилди. Шўрчи тумани адир ҳудудларида томчилаб суғориш йўли билан 4 гектар майдонда зайтунзорлар барпо этилди. Бир туп вояга етган зайтуб дарахтидан 25-30 кг мева йиғиб олинади. Агар оилага бириктирилган ҳовлида 6 туп зайтуб дарахти ўстирилса, жами 180 кг мева териб олиниб, уларни қайта ишлаш натижасида 60 кг экологик тоза зайтун ёғи олиш мумкин [2]. Бу каби имкониятлардан фойдаланиш орқали аҳолининг экологик тоза ёғ маҳсулотига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мумкин.

Минтақа учун ноанъанавий, бироқ етиштириш мумкин бўлган экинлар жумласига топинамбур ва стивея ўсимликлари киради. Шимолий Америкада ўсадиган топинамбур серҳосил бўлиб у қоғоз целлюлоза ва фармацевтика саноати тармоқларида ишлатилади. Мазкур ўсимлик 2012- йилда Бойсун туманида тажриба тариқасида 1 га майдонга экилди. Кўп миқдорда топинамбур ўсимлигини етиштириш қоғоз хомашёси импортини чеклаш ва бунинг учун сарфланаётган валюта ресурсларини тежаш, аҳоли соғлигини яхшилаш, иш билан бандлик даражасини ошириш имконини беради. Бу имкониятдан ҳам ҳозирги пайтда фойдаланилмаяпти [5].

Жанубий ва Марказий Америкадан келтирилган стивея ўсимлигини ҳам вилоятнинг марказий, шимоли-шарқий ҳудудларида районлаштириш (етиштириш) имкониятлари мавжуд. Бу ўсимлик ҳам арид минтақаларда ўсишга мослашган. Бу ўсимлик таркибида кўп миқдорда шакар моддаси мавжуд бўлиб, ундан қандолатчилик соҳасида фойдаланиш мумкин. Келажакда бу ўсимликни етиштириш ва қайта ишлаш орқали аҳолининг шакар маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин.[5]

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вилоят халқ хўжалигида қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ бўлиб, қишлоқ хўжалигида эса мевачилик соҳаси, айниқса субтропик мевачилик тоғ ва тоғолди ҳудудларида анча ривожланган. Ушбу тармоқни илмий ва амалий жиҳатдан тўғри ривожлантирилиши минтақа аҳолисининг ва саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Вилоятда ушбу тармоқни ривожлантириш салоҳиятидан, ҳамда аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган талаби, ташқи бозорга маҳсулотлар чиқариш истикболларидан келиб чиқиб, ҳар бир туман бўйича ушбу тармоқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳамда иқлим ўзгаришини ҳисобга олиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сувдан

унумли фойдаланишнинг замонавий усулларида фойдаланиш зарур.

Айниқса сувни кам талаб қилувчи ноанъанавий экин турлари бўлиб ҳисобланган зайтун, топинамбур, стивея каби субтропик экинларни етиштириш учун

эса вилоятда катта имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олиб кенг районлаштириш ва бу каби экинларни ташқи бозорга чиқариш орқали катта фойда олиш имкониятларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016. Б. 54.
2. Содиқов А.М., Илмий раҳбарлигида. Сурхондарё вилоятини ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Тошкент, 2013. Б.244.
3. Рўзиев А., Мирзаев Ш., Бароталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. Тошкент, 1997. Б.113.
4. Проблемы охраны водных ресурсов и окружающей среды. Сборник докладов. Ташкент, «Фан» 2000, 192 ст.
5. Қаюмов А., Пардаев Ғ., Исломов И. Иқтисодий ва ижтимоий география. (Ўрта Осиё Иқтисодий ва ижтимоий географияси). Тошкент, 2007. Б.180.
6. Абдуназаров Ҳ., Умарова М. Сурхондарё географияси. Термиз, 2023. Б.175.